O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV [illegible]

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 24 сентябрь, шанба • № 77 (11.776) •

*Ҳосил – 2005*

## «ЭШОНОБОД» ЯНА БИРИНЧИ

**Хўжалик пахтакорлари С-6524 нави агротехникасини пухта эгаллашган. Чигитни узоғи билан ўн кунда экиб олиш қатъий анъанага айланган. Ўғитлаш, суғориш, ишлов бериш тадбирлари вақтида ва сифатли бажарилади. Йиғим-терим ҳам оқилона уюштирилади.**





«Эшонобод»ликлар бу йилги теримда, айниқса, юқори суръатга эришдилар. Шартнома режаси 9 кунда бажарилди. Қабул пунктларига режадаги 1080 тонна ўрнига ҳозиргача 1100 тоннадан зиёд юқори навли хом ашё топширилди.

Мана уч йилдирки, хўжалик режани нафақат Чиноз тумани, балки вилоятда биринчи бўлиб бажараяпти. Бунинг «сири» нимада?

Юқорида таъкидланганидек, чигит энг қулай ва қисқа муддатларда сифатли экилади. Бу кўчатларнинг тўлиқ, кўсакларнинг бўлиқ бўлишига замин яратади. Яъни, ҳар йили бирдек, ҳосил мўл бўлади. Иккинчидан, ана шу ҳосилни касаллик ва зараркунандаларга олдирмаслик учун биологик усулдан оқилона ва самарали фойдаланилади. Учинчидан, теримда кутилганидан ҳам зиёд одам қатнашади. Чунки, бир килограмм пахтага умумқатори 42 сўм эмас, 45 сўмдан ҳақ тўланди. Шу боис ҳар куни теримда камида 1500 киши қатнашаяпти.

— Яна бир муҳим омил — ўзимизнинг машина-трактор паркимизни бутлаб олганмиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Кенгбой Кўккўзов. — Хусусан, кейинги уч йил ичида 80 фоиз техникамизни янгиладик. 5 та «Олтой» ҳайдов трактори, 9 та ТТЗ-80 чопиқ трактори, 4 та транспорт трактори ва 14 та тиркама, 2 та ОВХ аппарати ва бошқа зарур техника воситаларига эгамиз. Бу эса ерни экишга тайёрлашдан бошлаб, мўл ҳосил пишиб етилгунча бўлган жараёнда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, оби-тобида бажариш имконини бераяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, режа бажарилган бўлсада, ҳали қўл теккизилмаган анчагина майдон бор. Хўжалик раҳбарлари биринчи теримнинг ўзидаёқ режа 120 фоизга боришини таъкидламоқдалар. «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади» деганлари шу-да! Айрим бош пудратчиларда ҳосилдорлик 40 центнердан ошса, хўжалик бўйича камида 34 центнерга етиши кутилмоқда. Дарвоқе, энг юқори ҳосилдорликка эришган бош пудратчиларни 80 минг сўмгача бўлган пул мукофотлари кутмоқда.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:*** *хўжаликнинг илғор пудратчиларидан Ҳасан Ҳамроқулов 1,5 гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олди; бош иқтисодчи Эрназар Саидхўжаев пудратчи Мамбет Марҳабоев даласидаги ҳосил сифатини юқори баҳолади.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

*Ҳосил – 2005*

## ПАХТАДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАД

### салмоғи қабул пунктларига топширилаётган хом ашёнинг қай даражада пишиб етилганлиги, намлик миқдори ва ифлослик даражасига боғлиқ

Вилоятимиз пахтакорлари бу йил 108 минг гектар майдонга чигит қадаб, давлат эҳтиёжлари учун 275 минг тонна сифатли хом ашё етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномасини қисқа муддатларда ёруғ юз билан бажариш мақсадида ёз бўйи сидқидилдан меҳнат қилдилар. Мутахассисларнинг жойларга чиқиб, далалардаги ҳосил чўғини чамалаб кўриб, аниқлаган тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, вилоятда шартнома мажбуриятларини қоплайдиган даражада мўл ва сифатли пахта хом ашёси етиштирилди. Эндиги вазифа уни тез фурсатларда тоза ва сифатли қилиб йиғиб-териб олишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, йиғим-теримда суръат билан бир вақтда хом ашёнинг сифати, яъни тўлиқ пишиб етилганлиги, намлик миқдори ва ифлослик даражасига ҳам алоҳида эътибор бермоқ зарур. Агар қабул пунктларига топширилаётган хом ашё яхши пишиб етилмаган, намлик миқдори ва ифлослик даражаси меъёрдан юқори бўлса, нави ва синфи пасайтирилади ва оқибатда тўланадиган ҳақ ҳам кескин камайиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан мамлакат Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва фармойишлари асосида тасдиқланган «Пахта хом ашёси 70-03-04-2005» харид баҳолари нархномасида «Oz Dst 615-1994» андозасида белгиланган талаблар тўлиқ инобатга олинган бўлиб, пахтани қайта ишлаш корхоналари пахта етиштирувчи хўжаликлар билан хом ашёнинг пишганлик коэффициенти, намлик ва ифлослик даражасига мувофиқ ҳисоб-китоб қилиши лозим. Нархномада пахта хом ашёси пишганлик коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда бешта саноат навига бўлинади. Шундан тўрттаси, яъни 1-4-навлари ифлослик даражасига қараб, учта синфга ажратилиб, турли баҳоларда ҳақ тўланади. Масалан, вилоятимизда асосий майдонларга С-6524 навли пахта экилганлигини эътиборга олиб, унинг нав ва синфлари бўйича белгиланган нархларни кўриб чиқайлик. Бир тонна 1-саноат навидаги 1-синф пахтасига (1/1, ифлослиги 3 фоизгача) 299

(Давоми 2-бетда).

## ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТ

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорининг ижроси, Тошкент вилоят фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг фаолиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда маслаҳатчилар маҳаллаларда олиб бораётган ишлари, аҳолининг уларга бўлган муносабати, умуман, маслаҳатчининг вазифалари ҳақида суҳбатлашдилар. Шунингдек, хотин-қизларга билдирилаётган юксак ишончни оқлаш учун барча имкониятларни ишга солиб, эл-юрт ҳурматини қозонаётган инсонлар, кайвони онахонларнинг беминнат хизмати, бу йўлда учраётган айрим муаммолар ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашиб, мулоқотда бўлдилар.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ЙЎНАЛИШДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР

**«Тошкент-Оққўрғон» автобус йўналишида чет элда ишлаб чиқарилган шинам «Конекто Уберман» русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди.**

Ҳозирча бундай автобусларнинг учтасидан фойдаланила бошланди. Уларни «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли 18-автобус саройи ҳайдовчилари бошқармоқда. Автосаройда янги турдаги автобусларга техник хизмат кўрсатиш участкасини очиш тараддуди кўрилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ.**

## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Бекобод туман кенгаши турли жамғармаларнинг маҳаллий бўлимлари билан ҳамкорликда «Деҳқонобод» фермерлар уюшмасида ногиронлар учун бир пиёла чой устида давра суҳбати ташкил этди. Йиғилиш сўнгида 20 нафар эҳтиёжмандга ногиронлар аравачалари топширилди.

**В. БАХОДИРОВ.**

**Токиода “Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва Япония билан ҳамкорлик” мавзуида семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимиз бозорида япон тадбиркорлари иштирокини фаоллаштириш, япон капиталини Ўзбекистоннинг устувор сармоявий лойиҳаларини рўёбга чиқаришга жалб этиш масалаларига бағишланди.**

## ТОКИОДА СЕМИНАР

Мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси ва Япония Иқтисодиёт жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда йирик япон компанияларининг вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсувчанлиги, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқ ва жабҳалари барқарор ўсиб бораётгани тўғрисидаги батафсил маълумотлар япон томонида жиддий қизиқиш уйғотди.

Семинарда яқинда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнингислоҳотлар ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимояси тизимини такомиллаштириш, хорижий хусусий сармояларнинг тўғридан-тўғри жалб этилишини рағбатлантиришга йўналтирилган фармонларининг мазмун-моҳияти Япония ишбилармон доиралари вакилларига атрофлича баён этилди.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати муҳокамаси чоғида семинар иштирокчилари бу соҳада улкан салоҳият мавжуд эканини қайд этдилар. Шунингдек, тадбирда мана шундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга ва уларда япон томонидан иштирокчилар сафини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

**«Жаҳон» АА,**
**Токио.**

*Бизнинг шарҳ*

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ

**Аввал хабар қилинганидек, ўтган ҳафтада Оқсаройда 2006 йилга мўлжалланган давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди. Йиғилишда ҳукумат аъзолари, республика марказий иқтисодий идоралари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этди.**

**Мажлисда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 2006 йилга мўлжалланган мамлакат давлат бюджетининг асосий параметрларини тайёрлаш ишларини Молия вазирлиги шу йилнинг 1 октябрига қадар тугатиб, ҳукуматга тақдим этиши билан боғлиқ масала кўрилди.**

Маълумки, бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий тузуми, шунингдек, давлат қурилишини ўзида яққол намоён этади. Мазкур тизим ҳар қайси давлатга мансуб бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларнинг бутун бир мажмуи асосида шаклланади ва давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг таъсирчан ва самарали воситаси ҳисобланади.

Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари кун тартибига қўйилган масаланинг юртимиз, халқимиз ҳаётида ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга эканини, унинг маъно-мазмунини чуқур тушуниш учун нафақат иқтисодий билим, балки сиёсий савия ҳам кераклигини алоҳида таъкидлади. Чунки бюджет лойиҳасида ўз ифодасини топган ҳар бир рақамни аниқ белгилаб олиш ва у бўйича оқилона қарор қабул қилиш учун қўшимча тарзда ўнлаб масалаларни атрофлича кўриб чиқиш зарур бўлади.

«Бюджет» сўзининг асл маъноси ҳам хазина, жамғарма эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси оила, давлат ёки жамият тегишли бойлик, хазинага эга бўлмасдан туриб, ўзининг бугунги ҳаёти, эртанги кунини кўролмайди.

Бунга ўз тарихимиздан ҳам, дунё тарихидан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз давлати қудратини оширишда нафақат ҳарбий кучга, балки хазинага ҳам таяниб иш кўргани бежиз эмас. Тарихда «Темурийлар салтанати» деб ном олган улкан мамлакатни бошқарган бу улуғ зотнинг «Давлату салтанат уч нарса – мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир» деган сўзлари замирида катта маъно бор. Шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, ота-боболаримизнинг хазиначилик борасидаги билим ва тажрибалари миллий давлатчилигимиз тарихи каби чуқур илдизларга эга.

Агар Ғарб давлатлари тарихига эътибор берадиган бўлсак, уларда «давлат бюджети» деган тушунча XVI-XVII асрларда устувор аҳамият касб эта бошлаганини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, давлат бор экан, унинг молиявий салоҳияти ва имкониятларидан оқилона фойдаланишнинг асосий омилларидан бири – бу давлат бюджетидир.

Бугунги кунга келиб бюджет нафақат молиявий-иқтисодий, балки сиёсий масалага айланди. У ҳар қайси оила, ҳар қайси корхона, соҳа ёки тармоқ ҳаётида ўзининг таъсирини шундай кучли намоён қиладики, бу масалада қандайдир хатога йўл қўйилса, сўнг уни ўзгартириш қийин бўлади, деб фикрини давом эттирди Ислом Каримов.

Маълумки, шўро тузуми даврида маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган бюджетни шакллантириш механизми халқимизнинг туб манфаатларига жавоб бермас, дунёдаги иқтисодий жараёнларга мос келмас эди. Шу боис истиқлолга эришган кунларданоқ юртимизда иқтисодиётни барқарорлаштириш, эркин бозор талабларига жавоб берадиган том маънодаги янги бюджет-молия тизимини яратишга киришилди. Авваламбор, бюджет тақчиллигини чеклаш ва уни изчил равишда энг кам даражага келтиришга қаратилган қатъий молиявий сиёсат олиб борилди, бюджет маблағларини кечиктириб бўлмайдиган энг зарур давлат ва ижтимоий эҳтиёжларга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари бюджетнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқишдан олдин уларнинг қандай омилларга, қандай сиёсат ва мезонларга таянишини аниқ тасаввур этиш лозимлигини уқтирди. Буни ҳар томонлама чуқур ўрганмасдан туриб, муҳим рақам ва кўрсаткичларни белгилайдиган бўлсак, боши берк кўчага кириб қолиш ҳеч гап эмас, деди Ислом Каримов.

Бюджет лойиҳасида қайси соҳага қанча маблағ ажратиш бўйича

(Давоми 2-бетда).

## СИЗ ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАНГ

**Вақтли нашрларга, шу жумладан, вилоятимиз кўзгуси – «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Ўзига хос сиёсий аҳамият касб этувчи бу жараён жойларда қандай ўтаяпти? Албатта, обуна тўплашнинг ҳолати ғалвир сувдан кўтарилганида маълум бўлади. Эндиги сўзни эса фаол обуначи ва жамоалар вакилларидан эшитамиз.**

**Бахтиёр РАИМҚУЛОВ,**
**хорижий сармояли «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи:**

— Аввало шуни айтмоқчиманки, оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораяпти. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмай, жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг ўрни, мавқеи ҳам ошиб бораяпти.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари давлатимиз томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, Президент фармон ва қарорлари, вилоятимиз ҳаётини тўла-тўкис акс эттирувчи ранг-баранг материалларни қамраб олган ҳолда биз, мухлислар қўлига етиб келади. Мен ишлаётган корхонада биргина шу газетанинг обуначилари сони 130 дан ошди.

2006 йил учун вақтли нашрларга обунани ташкил этиш ва мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш бошқарув кенгашининг умумий йиғилишида кун тартибидаги асосий масала сифатида кўрилди. Ҳар йилгидек, бу гал ҳам меҳнат аҳлини ижтимоий ҳимоялаш йўналишида корхона ҳисобидан обуна қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан яна бир бор қувондик.

**Сафарали ҚЎЧҚОРОВ,**
**Олмалиқ кон-металлургия комбинати цех бошлиғи:**

— «Тошкент ҳақиқати»нинг доимий мухлисиман. Оиламизда уни барча севиб ўқийди ва қадрлайди. Ахир, газетада корхонамиз ҳаётига оид кўплаб материаллар ўқиймиз.

Мустақиллик байрами арафаси эди. Ишдан қайтсам, болаларим қўлида газета билан менга пешвоз чиқишди. Билсам, кўплаб юртдошларим қатори менга ҳам ҳукуматимизнинг юксак мукофоти берилгани эълон қилинибди. Аввало, бу мукофот биргина менинг эмас, меҳнатда елкадош цехимиз аъзолари, қолаверса, корхонамизнинг барча ишчи-хизматчилари меҳнатига берилган баҳодир.

Бугунги ишчининг меҳнатга муносабати, сиёсий онги, дунёқараши кечагидан мутлоқ фарқ қилади. Мустақиллик шарофати билан меҳнат аҳли ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини янада чуқурроқ англади. Бугун ҳар бир киши оммавий ахборот воситалари, матбуот билан яқин. Одамларнинг сиёсий фаоллиги ошишида матбуотнинг роли беқиёс. Шу боис ҳам матбуот бугун ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Мавсумнинг қулай фурсатидан фойдаланиб, 2006 йилга севимли газетам — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлдим. Энди келгуси йил охиригача хотиржамман.

*«Обуна – 2006»*

**Аброр ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**Тошкент вилоят Давлат педагогика институти ректори:**

— Обуна тўплаш қанчалик уюшқоқлик билан ўтса, натижаси ҳам самарали бўлади.

Институтимизда обуна ишлари ўқув йили олдидан белгиланган тадбир асосида ташкил этилган. Бу жараён бугун институтнинг ўзида ва бевосита талабалар амалий машғулот ўтказаётган дала бошида амалга оширилмоқда.

Институт ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликлар, эълон ва рекламалар асосан вилоят газетасида ёритилади. Бундан ташқари, профессор-ўқитувчиларимиз, талабаларимиз ҳам ўзларининг илмий-ижодий мақолалари билан газетада тез-тез чиқиб туришади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда институтимизда яқинда «Матбуот маркази» ташкил этилди. Марказ илмий-ижодий ишлар билан бир қаторда вақтли нашрларга обунани ташкил этиш, унинг уюшқоқлиги ва натижасини таъминлашга ҳам мутасаддидир. «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига келгуси йил учун обуна сонини 200 тадан оширишни мақсад қилганмиз. Зеро, матбуот жамиятимизнинг демократик қадриятларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб борувчи эркин минбардир.

**2006 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

## Ўйлаб топилмаган ҳикоялар

# МИРЗАТИЛЛА ҲАНГОМАЛАРИ

**Кўшним Мирзатилла ҳангомачи йигит. Уч кишининг боши қовушса, даврадагиларни кулдиргани-кулдирган. Аммо ўзи ҳатто жилмайиб ҳам қўймайди. Ўзи ҳикоя қилаётган воқеалар, одамларнинг содда-муғомбирликларидан ҳайратланган алфозда ҳикояга ҳикояни улаб бораверади.**

### «ҲАММА ИЛЛАТ ЎЗИМИЗДА»

Қоқ пешин. Одамлар ўзини емакхоналарга урган пайт. Ошпаз Ҳалилшайтоннинг қўли қўлига тегмайди. Икки капгир ошни косага сийпалабгина сузади-да, уч-тўрт тўғрам гўшт қўйиб, устига бир чимдим пиёз ташлайди. Хўранда битта мингталикни узатади-ю, «Раҳмат» деганича, бўш ўрин излаб кетади. Қозон теварагига ёпишган гуручларни капгир билан йиғиштириб, қўли яна косага югуради.

Ниҳоят, Ҳалилшайтон капгир қиррасини қозон четига бир уриб қўйиб, гавдасини ростлади, елкаларини бир тириштириб, кишибилмас керишиб олди, кейин:

— Икки порс ош қолди, ортиқ навбат кутманглар, — деди.

Ошхўрлар тарқала бошлашди.

— Келинг, ака, менга ҳам бир порс сузворинг, яна қаёққа бораман, — деди пистафуруш жувон.

— Ҳой, Ҳалилбой, буёқда мен ҳам бор, — деди дўриллаган бир овоз орқароқдан...

Ҳалилшайтон косани қўлига олди, қозоннинг у ёқбу ёғини қиртишлаган бўлди. Кейин ҳозиргина ўзи икки коса деб айтган ошнинг бир чеккасидан капгир учида озгина олиб, косага эҳтиётлаб жойлади. Буни у шундай енгил, чапдастлик билан бажардики, росмана бир ошам чиқар-чиқмас ош косанинг ярмидан юқори кўтарилди. Устига ҳалигидай озроқ ошни эплаштириб жойлади-да, ҳали тўғраб қўйган гўштларини чап қўлининг тўрт бармоғи орасига олиб, қайтадан қиймалай бошлади...

Хуллас, икки порс ош қолди деб турган Ҳалилшайтон қора кўзларни бақрайтириб туриб, тўрт ошхўрнинг ҳожатини чиқарди.

Шундай, шайтон макрига ўзимиз учамиз, шайтонлигини ўн чандон оширишини бақрайганимизча кузати-и-иб тураверамиз...

### «ОНАГИНАНГ ЎРГИЛСИН, АЙТГАНИМДАЙ БЎЛАҚОЛСИН»

— Биласиз, газда ишлайман. Шу десангиз, Ғаниободга баллонларда газ тақсимлаб, ҳужжатлаштираётган кезларимиз эди. Газ ўчоқларини, икки дона баллонни машинадан туширамиз, хонадон эгаси кўрсатган жойнинг «норматив»га тўғри келишини текшириб, ускуналарни жойлаштирамиз, баллонни ўрнатиб, газўчоққа улаб, қандай фойдаланишни тушунтирамиз-у, ҳужжатларни боплаб, қўшни хонадонга ўтамиз.

Бир хонадонда ёлғизгина кампир қулоғимизни қоқиб қўлимизга берди. Нима эмиш, гази ҳамиша ёнадиган бўлсин эмиш. Бу, ахир, баллонли газ, ҳали табиий газ қувурлари тортилмаган десак, тушунмайди. «Онагинанг ўргулсин, айтганимдай бўлақолсин», — дейишини қўймайди. Кулишимизни ҳам, куйинишимизни ҳам билмаймиз. Охири ичкари хонага кириб кетиб, бир даста пул кўтариб чиқди: «Уч ҳисса ҳақ олинг, лекин газўчоғим ўчмайдиган бўлсин».

Мен шеригимга қарадим, шеригим — менга. Охири, ҳеч иложини топмагач: «Хўп бўлади, онажон, — дедик-да, кампир узатиб турган пулдан бир қисмини санаб олдик. — Шунинг ўзи етади».

Бу орада нариги кўчадан карнай-сурнайнинг овози эшитилиб қолди.

— Вой эсим қурсин, Ҳожинисаникига бешик келиб қолдику.

Кампир наридан-бери отланиб, тугунини қўлтиқлаганича, бешиктўйга кетди. Шеригим билан газўчоқни ўрнатиб, ошхонадан ўра қазидик, тўртта баллонни бирини бирига улаб, жойлаштирдик, трубани девор ёнидан чиқариб, газўчоққа туташтирдик...

Кечки пайт икки хонадон нарида ишни тугатаётганимизда кампир хурсанд кириб келди. Бизларни обдон дуо қилди. Содда кампир ҳаммада битта баллон уланса, менинг газўчоғимни тўғри ер тагидаги газга улабсиз, деб қувона-қувона чиқиб кетди.

Ғаниободда яна икки кун ишладик. Ҳамма хонадонларда газўчоқларни ишлатиб бериб, топшириқни бажариб ҳам бўлган эдик, бригадамизни қўшни туманга ишга жўнатиб юборишди...

— Кампир нима бўлди? — тегажоғлик қилишади ҳангоматалаблар.

Уёғини Мирзатилла гапирмайди. Нима ҳам дерди? Икки ҳафтадан кейин кампир газ идорасига келганини, остонада Мирзатиллани елкасига қоқиб:

«Барибир инсофли экансиз, ўғлим. Мен нодоннинг кўзини боплаб очдингиз», — деганини айтсинми? Нега кампир хафа бўлмаганига ҳайронсиз-да, а? Чунки, Мирзатилла билан шериги фақат ортиқча ўрнатиб кетишаётган икки дона баллон ҳақини олишган экан-да...

### АКС ИМЗО

Иш куним тугаб қолган эди. Энди тахта-ўқлоғини йиғиштириб, кўчама-кўча кўтариб юравериб, туси ўзгариб кетган папкани қўлга олган эдим ҳамки, хонага кексароқ бир киши кириб келди:

— Мирзатилла сизми?

«Нима гап» дегандек чимрилдим.

— Мана бу ерга имзо қўйсангиз бас экан, — деди ҳалиги одам. — Газимизни улашмоқчи, лекин имзоингиз, албатта, бўлиши керак эмиш, ука.

Менинг энсам қотди. Буни яшириб ҳам ўтирмадим:

— Имзоимми ёки уйнинг газ тизими яроқлими-яроқсизлигини аниқлашимми?

— Энди, нима қиласан, ука, гапни чўзиб, — дўрилларди кечиккан мижоз. — Қозонмисан-қозон, нақ германники, уста ўзимиздан. Қурди кетди, энди газни ёқишимиз қолди, холос. Имзоинг бўлса бас.

Менинг безрайиб туришимни мижоз бошқа томонга бурди. Ички чўнтагидан бир даста пул чиқариб, ялтироқ папканинг тагига қистириб қўйди. Шундан кейин истеҳзоли кулиб:

— Сўраганинг шу-да, а? — деди .

Қарасам, иш чатоқ. Бу хирапашша бойваччадан қандай қилиб қутилиб кетишни ўйлаб қолдим. Гапирсанг — тушунмаса. Ниҳоят, араб имлосида «ёқилмасин» деган сўзни эслаб, кулиб юбордим. Участка мастери Ҳакимбой билан ўқиб юрган кезларимиз шундай бир имзони ўзимиз учун кашф қилиб олган эдик.

— А-ҳа, ранги-рўйинг очилди-а?

Индамадим. Далолатномани ўқиб туриб, қўшни хонага ўтдим. Ручкани чап қўлимга олиб, араб имлосида ҳарфминди қилиб ёзиб қўйдим: «Ёқилмасин». Зеру-забарларини ҳам унутмадим.

— Участка мастерига олиб боринг, мана, — далолатномани мижозга узатдим. — Ёқаверсин.

Мен папкани қўлимга олдим. Мижоз стол устида қолган бир даста пулга ялт этиб қаради.

— Пулингиз ўзингизга сийлов, — жавоб бердим эшик томон бораётиб. — Шу бир имзоға ҳам пулми? Раҳмат, ака.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**



*СУРАТДА: тадбиркор Зебо Ёдгорова шогирдлари билан янги иш услуби хусусида маслаҳатлашмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Бўка туманидаги «Зебо» зардўзлик мактабида 20 нафардан зиёд аёлга касбҳунар ўргатилиб, аста-секин қўшимча иш ўринларини ташкил этишга эришилди. Бу ерда бухороча услубдаги санъат намуналарини тўқиш-тикиш сирлари кенг ўргатилмоқда. Унинг раҳбари Зебо Ёдгорова ёш болали айрим аёлларни ўз хонадонларида шароит яратиб, касаначилик иши билан ҳам таъминламоқда. Бундан ташқари ҳозирда тикувчилик цехини ташкил этиб, 10 та тикув машинасида қизлар учун амалий машғулотлар ҳам ўтказилмоқда. Ёш келин-куёвлар учун миллий услубдаги каштачилик намуналари билан безатилган кийимлар тикилаётир.

## Суд залидан

# ЭҲТИРОС ҚУРБОНИ



Ҳукм ўқилди:

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида ўташлик учун Дилмурод Отақулов ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинсин...

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди судьяси М. Сайфутдинов ҳукмни эълон қилаётганида маҳкум Дилмурод Отақулов ўттиз йиллик умр лаҳзаларини, сўнгги кун ўзининг иродасизлиги оқибатида юз берган воқеаларни кўз ўнгидан ўтказган бўлса ажаб эмас.

У қишлоқдаги кўпгина тенгдошлари қатори яшарди. Ўртачирчиқ туманидаги «Қурол ота» фермер хўжалигида тракторчи эди. Ҳали балоғат ёшига етмаган тўрт фарзандини тарбиялаши керак эди.

Ўша март куни ҳам одатдагидек бошланди. Эрта билан ишга бориб, ўзига бириктирилган трактор двигателини созлаш билан шуғулланди. Кечки соат олтиларда ишдан қайтиб келди. Бироз уй ишлари билан банд бўлди. Оила аъзолари даврасида овқатланди.

Ҳамма гап ўзини боса олмаганлиги, ҳавойи эҳтирослар гирдобига ўзини урганлигидан келиб чиқди. Бўлмаса, кечки овқатдан кейин барча ақли расо одамлар каби оила даврасида ҳордиқ ёзиб, ором олса бўлмасмиди?

Дилмурод бундай қила олмади. Ички бир эҳтирос уни кўчага ундайверди ва кеч соат саккизларда ташқарига чиқиб кетди. Кўча бошидаги бильярдхонада қўшнилари Акбарали ва Ҳамиджонлар билан тўрт шиша вино ичишди. Кечаси соат йигирма учгача валақлашиб ўтиришди. Гап айланиб, жунбушга кела бошлаган ҳароми эҳтиросга бориб тақалди. Бильярдхонада топишган уч дўст — Акбарали, Одил ва Дилмурод киракаш машиналардан бирига ўтириб, Янгиҳаёт қишлоғига жўнашди.

Хуллас, ярим тунда масталаст бутилкадошлар «Ҳақиқат» ширкат хўжалиги шийпонига етиб боришди. Бу орада йўл-йўлакай Маҳмуда, Надежда, Озода исмли енгилтабиат қизларни ҳам машинага чиқариб олишганди.

Дала ҳавоси ич-ичларидан кўпириб келаётган ҳовурни босдими, Одил билан Озода қайтиб кетишди. Акбарали билан Надеждани шийпонда қолдириб, Дилмурод Маҳмудани далага, тутзор томонга етаклаб кетди. Лекин шу ерда гаплари қовушмай қолди, ўртада паст-баланд гап бошланиб, Дилмурод қиз юзига шапалоқ тортиб юборди. У йиқилиб тушди...

— Уни турғизмоқчи бўлаётганимда халатининг белбоғи қўлимга тушиб қолди, — дейди Дилмурод Отақулов кейинчалик судда. — Жаҳл устида шу белбоғ билан бўйнидан бўғиб қўйибман. Ҳозир пушаймонман. Биринчи маротаба судланишим. Тўрт нафар ёш болам бор. Шуларни инобатга олиб, енгилроқ жазо берсаларингиз...

Воажаб! Наҳотки, белбоғ қўлига тушиб қолиб, «жаҳл устида» қизни бўға бошлаганида у тўрт нафар гўдагини ўйламади? Туппа-тузук меҳнат қилиб яшаётган йигитнинг жиноят йўлига кириб кетиши наҳотки шу «жаҳл» билангина изоҳланса?

Аслида Дилмуродни кўчага чорлаган ҳирси, эҳтироси жунбушга кела бошлаган дамлардаёқ у жиноят кўчасига қадам қўйган эди. Бу — оиласининг, фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқини топташдан иборат жиноят эди. Кейинчалик бу жиноят фаҳшлик билан туташиб, ахлоқ-одобга, жамият қонун-қоидаларига қарши жиноятга айланди. Унинг ғайриинсоний ҳирси бир қизнинг умрига зомин бўлди — у инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, жиноят содир этди. У, судда ўзи айтганидек, Маҳмудани бир шапалоқ уриб, «жаҳл устида» бўғиб қўяқолмади. Қиз айтганларига кўнмагач, уни ўлдириш билан қўрқитиб, юз-кўзи аралаш уриб, танасининг турли жойларига тепиб, оғир оқибатларга олиб борувчи жароҳатлар етказди. Кейинчалик тиббий-суд экспертизаси қайд қилганидек, калтаклардан азобланиб хушини йўқотаёзган қизни зўрлай бошлади. Охири талвасага тушиб, жиноят изларини йўқотишни ўйлаб қолди. Қизни белбоғи билан бўға бошлади.

Судга оид тиббиёт экспертизаси хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосаланиб, содир этилган жиноятлар бўйича жазоларни умумлаштириб, суд Дилмурод Отақуловга қонуний жазо белгилади.

Шундай, киши бир нафаслик ҳирсга муте бўлдими, у инсоний қиёфасини йўқотади, жиноятга қўл уради. Бундай паллада уйида мўлтираб ўтирган гўдаклари ҳам кўзига кўринмай қолади. Меҳнат туфайли йиллаб орттирган обрўсини ҳам бир аснода йўққа чиқаради, пировардида ҳаром эҳтиросларининг қурбонига айланади.

**Искандар УСМОНОВ,**
**вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси,**
**адлия маслаҳатчиси.**

## Шанба фельетони

# АСОМ ҒАДАНГ ЁҚА УШЛАДИ



Асом Ғаданг қўшни қишлоқда, меҳмонда ўтирарди. Гап фермерлик мавзусига кўчди. Бир пайт гурунг тажрибали пахтакор Иззатхоннинг нега фермер бўла олмаганига бориб тақалди. Ёқуб ҳисобчи охиста гап бошлади.

— Билсангиз, суяги далада қотган. Пахта илмининг донишманди. Неча ўн йил довруқли бўлиб юрди элда. Локигин бугун бир чеккага чиқариб қўйишди. Ўша ўз ерларида фермер хўжалиги ташкил этмоқчи эди. Ерини тортиб олиб, ҳафсаласини пир қилишди-қўйишди...

— Ахир, Иззатхон кимлигини юрт билади-ку?! — Асом ғадангнинг залворли овози эшитилди. — Танловлардан ўтди, деб эшитгандик-ку?

— Қўйишмади-да, — деди Асад найнов ачиниш оҳангида.

— Ким қўймайди? — илҳақ сўради Ғаданг. — Ким ерини тортиб олди?

Даврага оғир сукут чўкди. Ҳамма бошини эгганича, дастурхонга кўз тикиб қолди. Ғаданг қўлидаги пиёлани бўшатиб, қайтарди ҳамки, сукунат бузилмади. Мезбонлар даврасидаги бу сокинликни Ғаданг тушунолмасдан ўтирарди. Асадки, аниқ гапни айтишдан мулоҳаза қилаяпти, демак яра илдизли. Уни аниқ билиб олишга аҳд қилиб, Ғаданг ич-ичидан кўтарилиб келаётган туғённи босди. Ахир, Иззатхонни бу музофотда ҳамма яхши танийди. Бир пайтлари бригад бўлиб, қўша-қўша нишонлар олган. Кўнглининг бир кемтиклик жойи — фарзанди йўқ. Дала — овунчоғи, пахта — гўдаги бечоранинг. Фермер бўла олмаса, чўкади-қўяди.

Асом ғаданг кўнглидан ўтаётган фикрларни илғаб ўтиргандек, Асад найнов:

— Чўктираяпти Иззатнисани, — деб қўйди. У тиззаларини ростлаб ўтириб олди-да, Асом ғадангга тикилганича гапини давом эттирди. — Локигин ўз укаси букаяпти унинг қаддини. Ғаниси бор-ку, дароздай. Кўзлари чақчайиб юради. Шопир. Орзуга айб йўқ дегандай, ўшаниси фермер бўлишни истаб қопти. Катталарнинг пинжига кириб, нима қилди — бизга қоронғи, локигин опасидан икки балл ортиқ олиб, тендерда ғолиб чиқди.

— Кирдикори кейин маълум бўлди-ку, казобнинг, — сўз қўшди Али домла. — Бригадир бўлган, қўша-қўша трактору омоч-моласи бор, деб ҳужжат тахлашганакан.

Асом ғадангнинг хаёллари ғужғон ўйнаб кетди. Наҳотки, ер оламано, фермер бўламано, бойлик орттирамано деб, ука-опани, тоға-жиянни оёқости қилиб ўтаверса?! Наҳотки, кўнгилларни овлаш, бири-бирига суянчиқ бўлиш ўрнига бири-бирини чилпарчин қилиб кетаверишса...

— Занғарга бошқа ер таклиф қилишди, — деб қўйди Ғани трактор. — Кўнмади. Шуни оламан деб туриб олди, бетовфиқ.

Асом ғаданг гапиролмай қолди, нафаси қисилди. Ўнг қўли беихтиёр юрагини силай бошлади. Охири кўйлак ёқаларини тўғирламоқчи бўлгандек, тутамлади-ю, қотди.

Ҳийла вақт ўтгач, каттакентлик қуда гапириб қолди:

— Бойлик, пул баъзида болани отадан, оғани-инидан мосуво қилаяпти. Бизда тўрт қарич ер — овраҳа йўлини талашиб, тоға ўз жиянини чопиб қўйди. Икки йилки, тоғаваччa, жиянваччалар судма-суд сурсур қилиб юришипти.

— Менинг ёнгина қўшним бир кечада гум бўлди-кетди, — гапга қўшилди Самиғ қорақош. — Икки ҳафтаки йўқ. Кўч-кўлонини олиб кетган.

— Бирор гап ўтдими? — хавотир аралаш сўради Ғаданг.

— Ҳа-да, — Қорақош бир йўталиб олди. — Нариги хонадонда кекса бир кампир яшарди. Ўн беш-йигирма бош товуқ боқарди. Қачон қарасанг, товуқлари тухум қилмаётганидан нолигани-нолиган эди. Билсак, ён қўшнининг болалари вақти-вақтида йиғиб чиқиб кетишаркан. Орада бешолти товуқ ҳам йўқ бўлипти. Кампир гумонсираб, пойлапти. Бу гап маҳаллага чиққан экан, ана, бутун-бошли ҳовли-жой вараңглаб ётипти.

— Баъзилардан инсоф қочди, — деб қўйди Ғаданг.

Ҳамма ялт этиб меҳмонга қаради. Унинг икки қўли ёқасида эди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

# «МЕТАЛЛУРГ» ЎЗИНИ ЎНГЛАЯПТИ...МИ?

**Мамлакат 14-миллий чемпионати олий табақасида 19-тур учрашувлари ўтказилди.**

Вилоятимиз вакили «Металлург» ўз майдонида Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоаси билан баҳс юритди. Александр Востриков учрашувнинг 19-дақиқасида металлургчилар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очишга эришди. Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг металлургчилар жавоб тўпини киритиш учун фаол ҳаракат қилдилар ва ташаббусни ўз қўлларига олдилар. 28-дақиқада майдон эгалари ҳужумларидан бирини меҳмонлар қўполлик билан тўхтатиб қолдилар. Учрашув бош ҳаками 11 метрли жарима тўпи белгилади. Уни Мухтор Қурбонов аниқ бажариб, ҳисобни тенглаштирди.

Танаффусдан сўнг металлургчилар ҳужумкор ўйин кўрсатиб, 55-дақиқада Мухтор Қурбонов жамоасини олдинга олиб чиқди.

Кетма-кет икки ғалабани қўлга киритган «Металларуг» очколари сонини 23 тага етказиб, хавфли ўриндан бироз узоқлашиб олди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Трактор» — «Насаф» — 4:2, «Шўртан» — «Пахтакор» — 0:3, «Нефтчи» — «Машъал» — 1:3, «Навбаҳор» — «Қизилқум» — 2:1, «Бухоро» — «Самарқанд Д» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Локомотив» — 1:4.

Навбатдаги 20-турда «Металлург» «Машъал» меҳмони бўлади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

**19-турдан сўнг жамоаларнинг жадвалда тутган ўринлари:**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| «Пахтакор» | 18 | 14 | 2 | 2 | 56-10 | 44 |
| «Насаф» | 19 | 14 | 2 | 3 | 38-20 | 44 |
| «Машъал» | 19 | 13 | 1 | 5 | 40-21 | 40 |
| «Нефтчи» | 19 | 10 | 0 | 9 | 33-22 | 30 |
| «Навбаҳор» | 19 | 9 | 1 | 9 | 24-21 | 28 |
| «Локомотив» | 19 | 9 | 1 | 9 | 33-31 | 28 |
| «Тўпаланг» | 19 | 8 | 2 | 9 | 28-36 | 26 |
| «Қизилқум» | 18 | 7 | 4 | 7 | 23-32 | 25 |
| «Самарқанд Д» | 19 | 7 | 3 | 9 | 20-23 | 24 |
| «Металлург» | 19 | 7 | 2 | 10 | 25-33 | 23 |
| «Трактор» | 19 | 7 | 1 | 11 | 32-40 | 22 |
| «Бухоро» | 19 | 7 | 1 | 11 | 30-44 | 22 |
| «Сўғдиёна» | 19 | 5 | 3 | 11 | 11-38 | 18 |
| «Шўртан» | 19 | 3 | 1 | 15 | 14-46 | 10 |

# ФИФАНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГИ

**Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА дунёдаги энг кучли хотин-қизлар терма жамоаларининг рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Сентябрь ойидаги жадвалга кўра, биринчи поғонани Германия терма жамоаси эгаллаб турибди. Шунингдек, АҚШ ва Норвегия терма жамоалари ҳам кучли учликдан жой олди.

Халқаро футбол уюшмалари федерация мутасаддилари Ўзбекистон терма жамоасини рўйхатнинг 49-қаторига лойиқ кўришди. Ўзбекистонлик футболчи қизлар Осиёда Корея Халқ Демократик Республикаси, Хитой, Япония ва Жанубий Корея терма жамоаларидан кейин бешинчи ўринда бормоқда.

# УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Чирчиқ Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ таълим ва фан ходимлари ўртасида республика спартакиадаси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган бу мусобақада Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 140 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Улар спортнинг стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат-шашка ҳамда арқон тортиш турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Қизғин беллашувларда умумжамоа ҳисобида Сирдарё вилояти ўқитувчи-спортчилари ғолиб чиқди. Тошкент вилояти вакилларига иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринни Наманган вилояти жамоаси қўлга киритди.

Шахсий биринчиликда ҳам ғолиблар аниқланиб, уларга мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**ЎзА.**

Мирзо Улуғбек туманидаги «Шох-Махмуджон» хусусий фирмаси «Шох-Махмуджон» хусусий корхонасига айлантирилишини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 399-82-94 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

1993 йил 19 мартда Магсумов Шамгун Магсумович номига берилган 09-01/4963 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2004 йил 31 августда Ташметов Хайрутдин Юлдашевич номига берилган 10-01/10164 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси меҳнат жамоаси қўмитанинг масъул ходими Марфуза Мамажоновага волидаи муҳтарамаси **МЕРОЖХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-844. Адади 2874. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5